Ушбу сонда:

2 *Касаба уюшма фаоллари* ҚЎҒАЙДА УНИ ҲАММА ТАНИЙДИ

3 ҲАРБИЙ ҲИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

4 *Аждодларимиз* МАВЛОНО ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 15 март, чоршанба № 46 (2095)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Касаба уюшмалари ва аёллар

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯГОНА САФИДА

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланаётгани ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлайди. Шубҳасиз, барча ютуқлар негизида аввало халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, ҳаётга муносабати тубдан ўзгараётгани мужассам. Бунда наманганлик хотин-қизларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда Наманган шаҳрида истиқомат қилаётган аҳолининг 204 минг нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Айтиш жоизки, касаба уюшмалари ҳаракатининг стратегик йўналиши жамоа музокараларида хотин-қизлар манфаатларини алоҳида ҳисобга олиш билан боғлиқ.

Демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда улар зиммасига катта масъулият юкланган. Шунинг учун ҳам улар "Ниҳол", "Саноат-Сандиний", "Саббос", "Ҳамидабону" ўқув марказларида 16 йўналиш бўйича ўқитилиб, малакаси оширилмоқда. Аёлларнинг ҳам оиладаги, ҳам жамиятдаги нуфузи юксаляпти. Корхона, ташкилот ва муассасаларда улар учун янги иш ўринлари барпо қилинмоқда. Бугунги кунгача касаба уюшмалари, "Меҳнат" бўлимлари, корхона, ташкилот, муассасалар, қўшма корхоналар билан ҳамкорликда 6500 та янги иш ўринлари яратилди. 3 марта "Меҳнат" ярмаркалари ташкил қилиниб, аёлларнинг лаёқати, қобилияти, ёшига қараб иш берувчи билан меҳнат шартномалари тузилди.

Наманган шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси томонидан Юртбошимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга асосан аёллар орасида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг касаба уюшмалари ҳаракатидаги фаоллигини кучайтириш тадбирлари режалаштирилиб, пухта амалга оширилмоқда.

Айни кунларда Наманган шаҳрида 91 минг 348 нафар туғиш ёшидаги аёллар аниқланиб, уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди ва касал, деб топилганлари соғломлаштирилди.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси жойлардаги касаба уюшмалари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни ишлаб чиққан. Мавжуд 79 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 300 дан ортиқ давра суҳбатларининг ўтказилиши бунинг исботидир. Касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган тадбирларга асосан Минг чинор, Зарбдор, Ҳақиқат, Тўқувчи маҳалла фуқаролар йиғинларида семинарлар ўтказилди. Уларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналар ва ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътил жорий этиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали аёлларнинг иш кунларини қисқартириш ёки 16 ёшгача боласи бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари бериш каби ижтимоий масалалар ҳал этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 мартдаги ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликни олдини олиш ҳақидаги қарори асосида жойлардаги кенг халқ оммаси ўртасида йиғилиш, учрашув ва якка тартибда суҳбатлар олиб борилмоқда.

Наманган шаҳридаги 27 та жоъме масжидида "Залолатга ботманг", "Аёл-миллат давомчиси" мавзуларида маърузалар ўтказилди. Ишсиз 5900 нафар аёл иш билан таъминланди.

Жойлардаги мавжуд отинойилар, дастурхончилар билан тез-тез учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб тўю маросим ва маъракаларни тартибли ўтказиш ҳақида хотин-қизлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. ФХДЁ бўлимида 2849 та никоҳ қайд этилган бўлиб, барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Олтинкўл туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорлари тумандаги 137 минг 398 нафар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Тумандаги 26 та қишлоқ врачлик пунктлари, 4 та поликлиника ва 2 та шифохонада жами 169 нафар шифокор беморлар саломатлиги учун кечаю кундуз қайғурмоқда. Шунингдек, 1117 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Яқинда туман марказида капитал таъмирдан чиқарилган шошилинч тиббий ёрдам бўлими яна беморларни қабул қила бошлади. Янги таъмирланган шошилинч тиббий ёрдам бўлимида жарроҳлик ва реанимация каби бўлимлар мавжуд.

Суратларда: «Маданий меҳнат» қишлоқ врачлик пункти рўйхатга олиш бўлими ҳамшираси Сиёсатхон Мирзақосимова; шошилинч тиббий ёрдам бўлимининг янги кўринаши.

МИКРОКРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА

Пахтаобод тумани аҳолисига жорий йилда 300 миллион сўм кредит бериш ва 264 та ишчи ўрни яратиш кўзда тутилган.

Туман меҳнат ва ижтимоий бандлик бўлимидан олинган маълумотга кўра, бу кредитлар қишлоқ хонадонларида чорвачилик ҳамда паррандачиликни ривожлантириш учун берилади. Масалан, ўтган йил берилган мана шундай кредитлар ҳисобига 1075 та ишчи ўрни очилди. Шунингдек, 556 нафар аёл уй юмушлари ва болалар тарбиясидан ажралмаган ҳолда ишли бўлди.

«Туркистон-пресс»

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли қурилишида

ИШ СУРЪАТИ КУНДАН-КУНГА ОШМОҚДА

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўли мамлакатимизнинг йирик қурилишларидан ҳисобланади. Умумий узунлиги 223 километрни ташкил этадиган ушбу иншоот ишга тушгач, йилига 60-65 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий самара беради. Республикамизнинг жанубий вилоятлари ҳудудини кесиб ўтадиган, лойиҳа қиймати 450 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи темир йўл Ғузор, Деҳконобод, Бойсун, Қумқўрғон туманлари орқали Қашқадарё вилоятини Сурхондарё билан боғлайди.

Стратегик аҳамиятга молик бундай йирик иншоот нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи марта бунёд этилаяпти. Энг муҳими, Тошкентдан Термиз томон борадиган поездлар ҳаракати 184 километрга қисқаради. «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акционерлик компанияси буюртмаси асосида бунёд этилаётган янги магистрал фойдаланишга топширилса, ҳудудда жойлашган аҳоли масканлари ободонлаштирилиб, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ривожланиб, фуқаролар турмуш шароити янада яхшиланади. Деҳқонобод туманида маҳаллий хомашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган калий заводи қурилади. Кўплаб қўшма корхоналар, саноат, қурилиш, транспорт, аҳолига савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари вужудга келади. Жанубий сарҳадларимиз орқали Шарқ мамлакатлари ва денгиз портларига чиқиш имконияти яратилади.

Қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги иш суръатини оширмоқда. Кейинги бир йил ичида юқоридаги компания маблағлари ҳисобидан 110 та МАЗ русумли автомашина, 10 дан зиёд экскаватор, 10 та бульдозер келтирилди. Бойсун вокзали қуриб битказилди. Тангимуш станциясида йўл белгилари, йўналтирувчи кўрсаткичлар, йўлларни айириш ва боғловчи ускуналар ўрнатилди. Деҳқонобод-Қорадахна йўналиши бўйлаб мураккаб тоғ шароитида тупроқ ишлари тез ва соз бажарилаяпти.

Ўзининг бутун куч-ғайрати ва тажрибасини қурилишни жадаллаштиришга сафарбар этаётган йўлсозлар меҳнати мақтовга лойиқ. Йўл хўжалиги бошлиғи А.Очилов, лойиҳачи-муҳандис Н.Комилов, тажрибали бульдозерчи Р.Тўраев, экскаваторчи Ж.Назаров, сунъий иншоотлар устаси Ҳ.Минглиев, ишчилардан М.Иброҳимов, Р.Йўлдошев, А.Мирзаев кабилар алоҳида фидойилик, шижоат кўрсатмоқдалар. Уларнинг куч-ғайрати билан қудратли механизмлар тўла қувват билан ишлатилаяпти.

Деҳқонобод-Бойсун дараларида техника гулдуроси бир зум тинмайди. Тоғу тошлар махсус мосламалар ёрдамида портлатилиб, иш жараёни учун йўл очилади. Ишчилар учун етарли шароитлар яратилган. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинади. Тоғларга баҳор келди. Олисда маҳобатли чўққилар қорайиб кўринади. Осмонни қора булут қоплаган. Зум ўтмай, шаррилаб ёмғир ёғади. Мамақалдироқ гулдирайди. Ёмғир жалага айланади. Гўёки осмон туйнуги тешилиб, челаклаб қуя бошлайди. Баҳорий тошқин тоғлардан сел бўлиб қуйилади.

— Қишда аёзли ва қорли, баҳорда ёмғирли кунлар ишимизнинг ривожига анча салбий таъсир кўрсатади, — дейди Термиз йўл қурилиш участкаси бошлиғи Н.Собиров. — Шунга қарамасдан, жамоамиз аъзолари табиат қийинчиликларини енгиб, суръатга-суръат қўшмоқдалар. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қурилиш тўхтамаяпти. Деҳқонобод-Бойсун ораралиғида 7,5 километр йўл текисланиб, «пўлат излар» ётқизилиши режада белгиланганидан анча барвақт тайёрланди. Қарийб 2 миллион кубметр тупроқ ишлари бажарилди.

Мураккаб тоғли ҳудудларда меҳнат маромини кеча-кундуз тинмайди. Нотекис жойларни портлатиш, сунъий иншоотлар ва кўприклар қуриш, пўлат излар ётқизиш, темир йўл белгилари ўрнатиш бир-бирига боғлаб олиб борилаяпти. Тажрибали ва малакали мутахассислар иш маромининг бориши устидан назорат ўрнатишган. Қорадахна-Чашмаи Ҳофизон бекатлари бунёд этилиб, атрофлари ободонлаштирилди. 55 та сунъий иншоот қурилди. 8 километрли масофага «пўлат из» ётқизилди. Олтита кўприкдан 4 таси қуриб битказилди. Юк туширириш ва техника воситаларини таъмирлаш корхонаси тўлиқ фойдаланишга топширилса, янгидан 100 та иш ўрни яратилади. Темирйўлга хизмат кўрсатувчиларнинг яшаши учун 4 та коттеж типидаги турар-жойлар қад ростлади.

Пўлат магистралнинг кўп қисми туя ўркачли қир-адирлар, жарликлар, чақир тошли тоғ дараларидан ўтади. Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, сел ва тошқинлардан муҳофазаланиш учун бутун йўл бўйи 248 та сунъий иншоот, Деҳқонобод-Қорадахна йўналишида узунлиги 540 метр бўлган 11 та кўприк қурилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар учун барча қулайликлар яратиб берилган. Иш вахта усулида олиб борилади. Йўлсозлар ойига икки ҳафта ишлаб, икки ҳафта дам олишади. Иш ҳақи 180-200 минг сўмдан зиёд. Ҳар бир киши махсус иш кийими билан таъминланган. Уч маҳал бепул иссиқ овқат, иш жойларига бориб-келиш учун автотранспорт ажратилган.

ЁЛҚИН

Муҳим воқеа арафасида

ТАРИХ, МУАММО ВА ИНТИЛИШЛАР УЙҒУНЛИГИ

19 март куни Президент Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади. Икки давлат муносабатлари тарихидаги ушбу муҳим воқеа арафасида Қозоғистоннинг Тошкентдаги элчиси Тлеухан Кабдрахманов "Жахон" ахборот агентлиги саволларига жавоб қайтарди.

- Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи - Қозоғистон Президентининг ўтган йил декабр ойида навбатдаги президентлик муддатига сайланганидан сўнг хорижга амалга ошираётган илк давлат сафари бўлиб, бу ўз-ўзидан мамлакатларимиз муносабатлари қай даражада эканини кўрсатади. Сиз муносабатларимизнинг ҳозирги аҳволини қандай таърифлаган ва улардаги қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган бўлур эдингиз?

-Ҳақиқатан ҳам, Президент Н.Назарбоевнинг ушбу ташрифи давлат ташрифи мақомидаги илк сафар бўлиб, у Қозоғистон ташқи сиёсатида Ўзбекистон йўналиши устувор эканидан далолат беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Қозоғистон Президентининг бўлажак ташрифига давлат ташрифи мақоминнинг берилиши, ўйлашимча, Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатларининг ўта муҳимлиги ва ўзаро устуворлигини кўрсатади.

Президентимизнинг ташрифи халқларимизнинг умумий ёрқин байрами бўлмиш Наврўз байрами арафасида амалга оширилиши чуқур рамзий маъно касб этади. Ахир мамлакатларимизни нафақат тарихи ва жўғрофий жойлашуви, балки маданияти, урф-одатлари ва тилининг уйғунлиги, маънавий қардошлиги ҳам бирлаштириб туради. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисида шартнома имзоланган бўлиб, бу халқаро ҳуқуқ амалиётида яқин қўшничиликнинг энг юқори кўринишидир. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида икки томонлама ҳамкорликнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи 90 га яқин ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

2001 йили Ўзбекистон ва Қозоғистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб 2300 километрдан иборат Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартномага имзо чеккан. Ҳалқаро ҳуқуқнинг талаб ва меъёрларига асосланган ҳолда расмийлаштирилган давлат чегараси унинг икки томонидаги аҳолини ажратиш эмас, балки аксинча икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва чегара ҳудудларидаги замонавий ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Давлатларимизда савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд. Сўнгги йилларда икки томонлама савдо ҳажми яхши суръатда ўсмоқда. Агар 2002 йили икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 263,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 500 миллион АҚШ долларидан ошди, яъни 1,7 баробарга ўсди.

Ўзбекистонда Қозоғистон капитали иштирокида ташкил этилган 48 та қўшма корхона ишлаб турибди, Қозоғистоннинг 24 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очиб, енгил саноат, транспорт, озиқ-овқат моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа кўплаб муҳим соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, айниқса, икки мамлакат сармоялари асосидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро қизиқиш бўлиши зарур. Пул-кредит, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, илмий-техникавий алоқалар каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан захиралар мавжуд.

Икки томонлама муносабатлардаги яна бир муҳим соҳа маданий-гуманитар ҳамкорликдир. Унинг ҳар томонлама ривожланиши халқларимизнинг ният ва истакларига тўлиқ мос келади. Шу боис икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари томонидан маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган чоралар тўплами ишлаб чиқилмоқда ва биз ташриф якунларига кўра мамлакатларимизнинг илмий, маданий ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар кенгайтирилишига доир зарур чоралар амалга оширилишига умид қилмоқдамиз.

(Давоми 3-бетда)

РУСЛАН ЧАГАЕВ - ҚИТЪАЛАРАРО ЧЕМПИОН!

Профессионал боксда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган чарм қўлқоп устаси Руслан Чагаев ўз ғалабалари билан мухлисларини хушнуд этмоқда. Андижонлик боксчи куни кеча Германиянинг Гамбург шаҳридаги Color Line Arena спорт мажмуида профессионал боксчилик фаолиятидаги дастлабки чемпионлик жангини ўтказди. Шу пайтгача фақат рейтинг жангларида иштирок этган ҳамюртимиз украиналик боксчи Владимир Вирчиснинг профессионал бокснинг энг нуфузли - Жаҳон бокс ташкилоти /WBO/ ҳамда Жаҳон бокс уюшмаси /WBA/ йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларига даъвогар бўлди.

Икки енгилмас боксчи ўртасида ўтказилган мазкур беллашув кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Айни пайтда Муҳаммадқодир Абдуллаев билан бирга Германиянинг Universum Box Promotion клубида шуғулланаётган боксчи, бунгача профессионал рингда 20 марта жанг ўтказиб, шулардан ўн тўққизтасини ўз фойдасига ҳал қилган, 16 марта рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратиб, битта учрашувда дуранг натижа қайд этганди. Кейинги пайтда ўзининг кескин ҳужумларга бой усули ва кучли, аниқ зарбалари билан рақиблари устидан кетма-кет зафар қучаётган Руслан Чагаевнинг жангларига мухлису мутахассислар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Руслан Чагаевнинг бу галги рақиби ҳам профессионал бокснинг энг кучли вакилларидан бири бўлди. Ўзбекистонлик боксчи сингари кучли зарбага эга Владимир Вирчис 1999 йилдан буён профессионал рингда йигирмата жанг ўтказиб, барчасида ғалаба қозонган ва ўн еттита учрашувда рақибларини нокаутга учратган, фаолиятида турли йўналишлар бўйича чемпионлик камарларини қўлга киритган.

Маҳорат ва тажриба бобида бир-биридан қолишмайдиган ҳар икки енгилмас чарм қўлқоп устасининг кескин ва муросасиз жанги Гамбургда ўтказилган бокс мусобақасини безади. Беллашув давомида рақибига нисбатан фаолроқ ҳаракат қилган Руслан Чагаев бир неча марта кучли ва аниқ зарба беришга эришди. Натижада учрашувда ҳисоб-китоб билан шуғулланган уч нафар ҳакамдан иккитаси баҳс 116:112 ва 115:114 ҳисобида ўзбекистонлик боксчи фойдасига ҳал бўлганини маълум қилди.

Шундай қилиб, очколар ҳисобида устун келган Руслан Чагаев йигирманчи ғалабасини нишонлади ва WBO ҳамда WBA йўналишлари бўйича қитъалараро чемпионлик камарларини қўлга киритди.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган Руслан Чагаев профессионал боксдаги дастлабки унвонини қўлга киритиб, жаҳон рейтингида энг юқори поғоналарни эгаллаб турган боксчилар билан куч синашиш ҳуқуқига эга бўлди. Агар ҳамюртимиз рейтинги баланд ҳисобланган чарм қўлқоп усталарига қарши ўтказиладиган жангларда ҳам муваффақият қозонса, яқин келажакда ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги камари учун даъвогарлик қилиш имконига эга бўлади.

(ЎзА)

ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН...

Фарғона вилоятнинг шаҳар ва туманларида «Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Қўқон шаҳрида ўтказилган беллашувларда эрликдан зиёд оила иштирок этди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақа кескин баҳслар остида кечди.

Вилоятда хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларни қўллаб- қувватлаш, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиш йўлида сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, спорт мусобақаларининг тез-тез ўтказилиши хотин-қизларни спортга қизиқишини кучайтиряпти. Бадиий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. «Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи» мусобақалари ҳам бу борадаги хайрли ишлардандир.

Мазкур спорт мусобақаларининг якунида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг спортчи қизларига етти миллион сўмлик спорт кийимлари топширилди.

Наврўз тадориги

МАҲАЛЛА ОБОД - ЮРТ ОБОД

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими маълумотларига кўра, Наврўзолди шанбалигида салкам миллион нафар ҳашарчи иштирок этди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ташқари кам таъминланган оилаларга 10 миллион сўмликдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатилди.

- Кейинги йилларда Жиззах шаҳри қиёфаси, жумладан, бизнинг маҳалламиз ҳам тобора гўзаллашиб бораётир, - дейди Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фозил Бобомуродов. - Маҳалламизда яшайдиган 15 мингдан зиёд аҳолининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ҳудудимизда 2 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, иқтидорли ўқувчилар лицейи жойлашган. Учта болалар спорт клуби, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш майдончаси доимо ўғил-қизларимиз билан гавжум. Кекса ва ногиронлар, эҳтиёжманд кишиларнинг аҳволидан доимо бохабармиз. Қувонарлиси, бу тадбирларда ёшларимиз ҳам фаол қатнашяпти.

- Бундай хайрли ишларни вилоятнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида қузатиш мумкин, - дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Муқим Ҳасанов. - Жойларда санитария ҳолатини яхшилашга, спорт-соғломлаштириш ва дам олиш масканларига алоҳида эътибор қаратилаётгани Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ўтказилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлигининг муҳим хусусиятидир.

(ЎзА)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида гапирилган эди

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисдаги маърузасида таъкидланганидек, хусусийлаштириш, хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш ҳисобидан мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф амалда шаклланмоқда.

КИЧИК БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИ

изланганга қўш-қўллаб ўз хазинасини очади

Ислоҳотлар самараси одамлар ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётгани билан белгиланади. Қашқадарёда 25 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, 58 мингга яқин кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётгани хусусийлаштирилган мулк шакли ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга қараганда, кичик тадбиркорлик корхоналари сони ўтган йилдагига нисбатан 13 минг 608 тага ошиб, 57 минг 903 тага етган. Тадбиркорлик тузилмаларида ишловчилар 554 минг нафарга етган ёки 47 минг 404 та янги иш ўринлари яратилган.

Шаҳрисабз тумани тадбиркорлик субъектларида 6414 та иш ўрни яратилган. Вилоят бўйича тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 14 миллиард 304,5 миллион сўмни ташкил этади. Қалби яратиш ишқи билан ёнган юзлаб ишбилармонлар ҳам эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, ҳам ўз рўзғорларига барака киритмоқдалар.

Аҳолиси тиғиз яшайдиган Яккабоғ туманининг М.Жўраев раҳбарлик қилаётган «Иссиқ нон» хусусий корхонаси истеъмолчиларга 47 хилдаги юқори сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб беради. Жамоа ялпи даромадни 78 миллион ва соф фойдани 4 миллион сўмга етказди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, ходимларнинг ойлик маоши ортди. Моддий рағбатлантириш омиллари юзага келди. «Энг яхши тадбиркор» совринини олган аҳил жамоа кичик бизнес имкониятларини амалда намойиш этмоқда. Абдусодиқ Содиқов, Зайнаб Юнусова, Назира Ғузороваларнинг 25-30 хилдаги ҳунармандчилик буюмларининг харидорлари кўпайиб бораяпти.

Ҳисор тоғлари этагида жойлашган Китоб туманидаги «Тевабоши» хусусий фирмасида тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо расталаридан мустаҳкам ўрин олиб, ўз харидорларини топганига кўп йил бўлди. Китоблик ҳунарманд Насрулло Абдуллаев, шаҳрисабзлик сандиқсоз Муҳаммад Носиров, қаршилик бешикчи Бозор Очилов каби қўли гул ҳунармандларнинг доврўғи воҳага тарқалган. Ғузордаги «Хондамир-2» хусусий фирмаси, «Сунбула» ўқув марказида ўттиз нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, 27 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, ҳудудий савдо-саноат палатаси Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида аҳоли бандлиги ва барқарор даромадларни ўстириш манбаи ҳисобланган касаначиликни кенг йўлга қўйиш дастурини ишлаб чиқди.

Тадбиркор Гулсара Ҳалимованинг саъй-ҳаракатлари билан низом жамғармаси 10,8 миллион сўмга тенг «Кеш» кредит уюшмаси тузилди. Ўз аъзолари, фуқаролар ва кичик бизнес тузилмаларининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган янги молиявий муассаса Нишон, Шаҳрисабз туманларида ишлаётган олтмишдан ортиқ тадбиркорларини бирлаштиради. Улар жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиб, қишлоқ инфратузилмасини юксалтириш, муносиб турмуш тарзини шакллантириш йўлида мавжуд имкониятларни ишга солишаяпти.

Миришкор туманидаги Қурама қишлоғида жойлашган «Шариф бобо» фермер хўжалиги раиси Ашурбой Шарипов кичик сут заводи қуриб, қатиқ, қаймоқ, сариёғ, бринза ва 3 хил пишлоқ ишлаб чиқараяпти. Йилни 24 миллион сўм соф фойда билан якунлаган сергайрат тадбиркор фермасидаги 170 бош қорамолни кўпайтириб, колбаса ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш ниятида. Олийҳиммат ва ташаббускор мулкдор 450 хўжаликдан ташкил топган Қурама қишлоғи аҳолиси учун 10 миллион сўмга ҳаммом қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчи.

Якка тартибдаги тадбиркор Олия Равшанова Қарши туманидаги Ертепа қишлоғида жойлашган тикувчилик цехининг раҳбари. Ишбилармон ўз цехини янада кенгайтириб, хизмат ҳажмини кўпайтирди. Қишлоқдошларидан 75 нафар хотин-қизга тикувчилик касби сир-асрорларини ўргатди.

Муборак туманидаги «Шон-шуҳрат» ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Нормурод Ҳусаинов «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг туман бўлимидан 70 миллион сўм кредит олди. Бу сармояга қишлоқ хўжалик техникаси, трансформатор, бетон арқчалар сотиб олди. 240 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, юздан ортиқ ёшларни иш билан таъминлади. Эндиликда у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган миницехлар очиш ташаббуси билан чиқди.

Тумандаги «Саратон» кўп тармоқли фирмасида эллика яқин ёшлар меҳнат қилади. Сайфулла Мусурмонов раҳбарлик қилаётган корхонага «Плоттер» агрегати сотиб олиниб, ранг-баранг баннерлар тайёрланмоқда. Замонавий ўқув марказида ёшларга компьютер сабоқлари берилаяпти. Тадбиркор Сергей Тарасов раҳбар бўлган «Престиж» кичик корхонаси усталари қўлида сайқал топган халқ ҳунармандчилиги буюмлари, эшик ромлари, кроват, стол-стуллар, қисқаси 30 га яқин дурадгорлик маҳсулотларини республикамизнинг бошқа шаҳарларидан ҳам келиб, харид қилишяпти.

Вилоят иқтисодиётининг ялпи маҳсулоти ҳажмида кичик бизнес улуши 38,4 фоизга етди. Воҳада бултур 538 миллиард 466,6 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 88,7 фоизи ёки 477 миллиард 459,8 миллион сўми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнес вакиллари аҳолига 49 миллиард 807,4 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатган бўлсалар, 153 миллиард 187 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Автотранспортда тадбиркорлар ҳиссаси 75,4 фоизга тенг. Кичик тадбиркорлик тузилмаларининг умумий савдо айланмаси 138 миллиард 903,5 миллион сўмга етиб, 125,8 фоиз ўсишга эришилган.

Шунга қарамасдан, саноатда 71 миллиард 639,9 миллион сўмлик маҳсулот кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиб, унда тадбиркорлар улуши атиги 5,5 фоизни ташкил этган, холос. Вилоятнинг умумий экспорти 246 миллион 125,9 минг АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда кичик бизнес субъектлари томонидан 6 миллион 172,7 миллион долларлик маҳсулот четга чиқарилиб, тадбиркорлар улуши атиги 2,5 фоизга тўғри келди. Китоб, Касби, Нишон, Косон, Қарши туманларида тадбиркорлар томонидан йил давомида экспорт қилинган маҳсулот ҳажми 50 минг доллардан ҳам ошмаган. Муборак ва Миришкор туманлари кичик бизнес вакиллари хорижга умуман маҳсулот жўнатишмаган.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН КОРХОНА

Фарғона кимёвий толалар заводи Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Корхона анча пайт иқтисодий инқирозни бошдан кечирди. Аммо бу ердаги ишчи ва хизматчиларнинг изланишлари туфайли у яна қайтадан оёққа турмоқда.

Айни пайтда корхонада 841 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

— Бизнинг ишлаб чиқараётган ацетат ипларимиз ҳамиша харидоргир. Хом ашёни четдан олиб келганимиз бизга қийинчилик туғдирар эди. Аммо бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилди, - дейди бош муҳандис Ҳасанбой Бадалов. — Яқинда Россия ва Германия билан баъзи хом ашёларни ўз вақтида етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоладик.

Шу йилнинг феврал ойидан иш бошлаган корхона шу кунгача 388 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Самарқанд вилоятидаги «Темурбек Файз МММ» очиқ акциядорлик жамиятига етказиб берилмоқда.

Маҳсулотларнинг юқори сифатлилиги боис бир неча давлатлардан буюртмалар тушди. Корхона йил охиригача ишлаб чиқариш қувватини тўла ишга солишни режалаштирган.

Суратларда: йигирув цехи оператори Шоирахон Машрабова; қадоқловчи Холисхон Қодирова.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар

ШИФОХОНА БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда Нукус тумани марказидан анча олисда жойлашган «Шўртанбой» овулида туман марказий шифохонасининг терапия бўлими ташкил этилди.

Эндиликда қишлоқ аҳолиси шу ернинг ўзида даволанадиган бўлди. Бу ерда 22 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Шунингдек, бўлимда ички касалликларни даволаш билан бирга рентген, физиотерапия хизмати ҳам амалга оширилади.

Ислоҳот мевалари

Навоий вилояти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг 42, минерал ўғитларнинг 35, қимматбаҳо ва рангли металларнинг 73 фоизини етказиб беради. Бу ерда корхоналарнинг иктисодий қувватини мустаҳкамлаш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти.

ХОРИЖИЙ ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИРОФИ

рағбат уйғотди

Бепоён Қизилқум заминида юртимиз довруғини ошираётган табиий бойликларнинг улкан заҳираси мавжуд. Бултур саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар кўпайганлиги вилоятда меҳнат қилаётган кўп миллатли заҳматкаш, саховатли инсонларнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти самарасидир.

Кон металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Электрокимё"- каби йирик жамоалар, "Зарафшонньюмонт", "Зарисспарк", "Агама", "Нуротамармар" сингари қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари нафақат ички бозорга, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаяпти. Вилоятда 14 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб турибди. Нурота ўзининг қимматбаҳо маъданлари билан машҳур. "Ғазғонмармар" ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 50 фоизини "РосЎзмармар" компанияси сотиб олганидан сўнг корхона фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Эскирган ускуналар замонавий технологияга алмаштирилганлиги туфайли 620 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга 11 минг кубометр мармар харсанглари, 40 минг 400 квадрат метр мармар тахтачалари етказиб берилди.

Хорижий ускуналарнинг тўла қувват билан ишлатилаётганлиги унумдорликни беш баробар кўтариш имкониятини берди. Россия, Италия, Украина каби давлатларга 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот жўнатилди. Корхона жамоаси жорий йилда ҳам иш суръатини пасайтиргани йўқ. Жамият тасарруфидаги "Камалак", "Аср", "Мовийранг тош", "Қизилтош", "Бўшанг мармар" шўъба корхоналарининг самарали меҳнати натижасида бу йил 13 минг 200 кубметр мармар тошлари қазиб олиниб, 60 минг квадрат метр плиталар тайёрланади. Зарафшондаги "Вилан" Ўзбек-Россия, Навбаҳордаги "Бентонит" Ўзбек-Британия қўшма корхоналарида тайёрланган қурилиш материаллари хорижий истеъмолчилар эътиборини тортмоқда.

Кармана туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаяпти. Бултур иш бошлаган Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари-Сингапур қўшма корхонасида 120 тоннадан зиёд пилла қайта ишланиб, 7 тоннадан ортиқ маҳсулот четга жўнатилган эди. Корхона цехларида ҳаёт қайнайди. Тажрибали ишчилар Муҳаббат Тоирова, Нозима Бойхонова, Озода Тожиева ва Амина Раҳматоваларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг жонқуярлиги туфайли сифатли маҳсулот тайёрланяпти. Жорий йилда корхона қувватидан тўла фойдаланиш ва хомашёни қайта ишлашни 750 тоннага етказиш учун қўшимча ускуналар ўрнатилди.

Ишга яроқли ногиронларни фойдали меҳнатга жалб этиш доимий эътиборда турибди. Карманадаги вилоят кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш комбинатида 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона раҳбари Ш.Мардоновнинг таъкидлашича, 40 нафардан ортиқ ногирон меҳнат қилаётган жамоанинг тўқув, тикув ва пахтани қайта ишлаш цехларида кўрпа-тўшак, ёстиқ ва қўлқоплар, автомобиллар учун ўриндиқ ғилофлари тайёрланаяпти. Бўз тўқиш цехи нинг ишга тушиши билан маҳсулот тури яна биттага кўпайди.

Навоий кон металлургия комбинати кўзи ожизларга ҳомийлик қилиб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти. Яқинда улар мамлакатимизнинг Бухоро, Хива, Самарқанд каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларни зиёрат қилиб қайтдилар. Швециянинг "Swr rus grove ab" компанияси билан ҳамкорликда Навоий шаҳридаги сут заводининг бўшаб қолган эски биноси қайта таъмирланиб, "Қизилқум саҳовати" консерва заводи қад кўтарган эди. Дастлабки йили Россия ва Бирлашган Араб Амирликларига 120 тонна ўрик шарбати, 50 тонна томат пастаси жўнатилди. Олинган даромад 73 минг АҚШ долларини ташкил этди.

2006 йил учун ширкат, фермер хўжаликлари ва аҳоли билан шартномалар тузилди. Бу йил 20 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот қайта ишланиб 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг тонна ўрик шарбати хорижга экспорт қилинади. Айни пайтда 700 гектар экин майдони ижарага олиниб, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга киришилди.

Ҳозирги шароитда хорижий сармояларсиз иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. Вилоятда мавжуд корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, бунинг учун чет эл инвестицияларини кенг жалб этиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлидан борилаётганлиги олинадиган даромад ва фойдани оширяпти.

И.ИСОМИДДИНОВ

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Навоий вилоятидаги «Хатирчи МТП» корхонасида 150 нафардан зиёд ишчи- хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йили улар кўмаги билан вилоятда қарийб 7 минг гектар майдондаги ғалла саранжомлаб олинди. Экин майдонларининг 14 минг гектаридан ортиғи шудгордан чиқарилди. Ўнлаб километр узунликдаги ариқ- зовурлар, сув йўллари тартибга келтирилди.

- Айниқса чиланғарларимиз ишидан мамнунмиз, - дейди корхона бошқаруви раиси Илҳом Ғаффоров. - Уларнинг ёрдамида ўтган йили 25 хилга яқин эҳтиёт қисмлар тайёрланди. 172 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди ва техник хизмат кўрсатилди.

Шу билан бирга, 2 миллион сўмлик юк ташиш ишлари амалга оширилди. Муқобил машина-трактор парклари учун 215 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Айни шу кунларда мавжуд ўттизга яқин трактор ва комбайн, 286 та культиватор сифатли таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Сурхондарё вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири - «Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехлари замонавий технологиялар билан жиҳозлангани боис маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Корхона элеватори сиғими кенгайгач, йилига 130 минг тоннага яқин донни қайта ишлаш имкони яратилди. Ҳозир бу ерда ун, макарон, нон ва қандолат маҳсулотлари, шунингдек, чорва озуқаси тайёрланмоқда.

Маҳсулотларни шу ернинг ўзида қадоқлаш учун полиэтилен қоп ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Хорижий технология асосида бир кеча-кундузда 10 минг донадан кўпроқ қоп тикилмоқда. Илгари бундай қоплар корхонага четдан келтирилар эди. Янги цехда бир йилда тўрт миллион дона қоп тайёрланади.

(ЎзА)

Бир Фармон шарофати

Қишлоқ аёллари азал-азалдан уйда ўтирсалар ҳам бекорга вақтини ўтказишмаган. Баъзилари дўппи тикса, айримлари тикувчиликни, каштачиликни қойилмақом қилиб бажаришган. Қўли гул чевар қизлар пайпоқ, гилам тўқишган. Очиғи, аёлларимизга бу каби ҳунарлар момоларидан мерос бўлиб қолган.

КАСАНАЧИЛИК – ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

бой тажрибаларни оммалаштириш керак

Сурхондарёдаги йирик корхоналар билан шартномалар тузиб, маҳсулотлар тайёрлаётган уддабурон тўқувчи аёллар, чевар онаҳонларимиз кўп. Шўрчи туманидаги Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Иқлим Тошбоева шундайларнинг бири. У бир гуруҳ қишлоқ аёлларини йиғиб, анча вақтдан буён каштачилик, тикувчилик ва зардўзлик билан шуғулланиб келмоқда.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони айнан Иқлим опа ва унинг атрофидаги аёлларни, боринг-ки касаначилик билан шуғулланадиганларнинг барчасини қувонтирди. Чунки, уларнинг имкониятлари кенгайиб, қатор имтиёзларга эга бўлишди. Муҳими, касаначилар эндиликда ҳар қандай йирик корхоналар билан шартнома тузиб, жамиятга ҳам, оилавий бюджетга ҳам фойда келтира бошладилар.

Иқлим Тошбоева жорий йилда «Шўрчидонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, ишчилар учун 7 миллион сўмлик кийим тайёрлашга киришган.

— Халқимизда «Бекорчидан худо безор» деган мақол бор. Буни бекорга эслатаётганим йўқ. Чунки, иш йўқ, деган баҳонада қишлоқларда минглаб хотин-қизларимиз, қолаверса, эркаклар ҳам бекор юришибди. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармони кўпчиликни бу ташвишдан қутқарди. Биз касаначилик — бугуннинг талаби эканлигини ҳисобга олиб, айнан вилоят Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Бош бошқармаси билан қўшма қарор қабул қилдик. Мақсадимиз уй шароитида янгидан 3000 та иш ўрни очиш. Бунинг учун имтиёзли кредитни йўлга қўймоқчимиз. Биздан нафақат аёллар, балки уйида темирчилик, косиблик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишга, парранда боқишга иштиёқманд бўлган эркаклар ҳам қарз кредит олишлари мумкин. Биз янги меҳнат турлари билан воҳамиздаги кам таъминланган оилаларнинг шуғулланишларини тарафдоримиз. Чунки, шу йўл билан уларнинг турмуши анча яхшиланади. Қолаверса, касаначиликка ҳар жиҳатдан кўмак бериш билан бирга яхши иш шароитлари яратиш, меҳнат қонунчилиги асосида уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бурчимиздир, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов.

Касаначилик қишлоқ одамларини ишсизлик муаммосидан халос этади. Уларни фойдали меҳнатга жалб этишга хизмат қилади. Бу борада воҳадаги кўплаб маҳаллаларда хайрли ишлар бошланган. Бироқ Кўмқўрғондаги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуманнон Эшматов ҳудудда қанча фуқаролар ишсиз юрганлигини билмайди. Аҳолида қанча қорамол, қўй-эчки, парранда борлигини ҳам айтиб бера олмай, ер чизиб қолган раисдан нимани кутиш мумкин?

«Касаначиликни қандай ривожлантираяпсизлар» деган саволимизга у лом-мим деёлмади.

Маҳалла раиси, касаначилик уй шароитида ишлаш эканлигини тушуниб етмаган кўринади. Ахир жойларда маҳалла қўмиталари раислари Президент Фармонидан келиб чиқиб, қишлоқ аҳолиси билан маслаҳатлашиб касаначиликни ривожлантириш билан боғлиқ бой тажрибаларни кенг оммалаштиришга бош қўшсалар, бундан жамият ҳам, ишсиз юрган одамлар ҳам фойда кўради-ку.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Б. АЛЛАШЕВ
(ЎзА) олган сурат.

Баҳор келиб, борлиқ атрофда ҳаёт қайнай бошлаши билан бепоён юртимизнинг боғу-роғларида ҳам иш қизғин давом этади. Дов-дарахтларга шакл бериш, уларнинг тагини юмшатиш учун боғбонлар эрта баҳорданоқ боққа ошиқадилар.

Хўжайли туманида ҳам айни кунларда бу ишларга катта эътибор қаратилган. Тумандаги 138 гектар боғ-роғларнинг деярли барчаси фермерларга бўлиб берилган.

«Озодлик» фермер хўжаликлари уюшмасида истиқомат қилувчи Давлат Аразқулиев ўшалардан бири. 2006 йил январ ойидан бошлаб боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиб, мўл ҳосил учун ҳозирдан замин тайёрламоқда.

Айни пайтда фермер хўжалиги боғларида иш қизғин давом этмоқда.

Касаба уюшма фаоллари

Унинг иш куни эрта тонгдан бошланади. Субҳидамда уй рўзғор юмушларини битиргач, 20 йилдан бери ишлаётган кадрдон даргоҳи — шифохонага отланади. Ўтган йиллар Нодира опа учун тобланиш, синов йиллари бўлди, десак муболаға бўлмас. Меҳнати уни элга танитди. Олий тоифали катта доя даражасига етди. Нодирахон Зокирова Қўғайда зиёлилар оиласида дунёга келгани учунми, Қўғай марказий шифохонасида ўз ўрнини топишда унчалик қийналмади.

ҚЎҒАЙДА УНИ ҲАММА ТАНИЙДИ

Шу орада уни шифохона касаба уюшма ташкилоти етакчилигига сайлашди. Ҳам туғруқ бўлимидаги доялик иши, ҳам касаба уюшма тадбирларига бош-қош бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бу жуда катта ғайрат-шижоат, керак бўлганда фидойиликни талаб этади. Ўтган йилнинг ўзида опанинг ташаббуси билан соғлиқни сақлаш ходимларининг 21 нафар фарзандлари Уйчи туманидаги оромгоҳларда соғломлаштирилди. Айтгандай, бундан сал илгари шифохона жамоаси ҳисобидан кам даромадли оилаларнинг 11 нафар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди. Мазкур тадбирда барча бўлимлар фаоллик кўрсатишди. Турли саналар муносабати билан 30 нафар ходим моддий рағбатлантирилди. Фақат бугина эмас, атроф маҳаллалардаги қариялар, якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг соғлиғи учун қайғуриш ҳам касаба уюшмасининг муҳим вазифаларидан бири. Шу асосда Қўғай шифохонаси томонидан ўтказилган тиббий кўрикда аниқланган касалликлар бўйича 31 нафар қариялар сиҳатгоҳларга юборилди. 60 нафар уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар доимий назорат остига олинди.

Шифохона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан кадрларни ўқитиш ва ўз ўрнига қўйишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида 20 нафар врач, 58 нафар ҳамшира ўз малакаларини оширишди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда қатъий тадбирлар амалга оширилди. 51 минг аҳолига хизмат қиладиган шифохонанинг туғруқ бўлими ҳомийлар ҳисобидан тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Касаба уюшма етакчиси хонасига киришингиз билан «Бу ердан ҳеч ким ноумид кетмайди», деган ёзувга кўзингиз тушади. Дарвоқе, қилинган ҳар бир мурожаат, сўров ва илтимослар изсиз кетмаяпти. Нодирахон Зокирова ҳар бир мурожаат ортида инсон ва унинг тақдири ётганини яхши билади. Шу боис ҳам ўтган йил давомида 50 дан ошиқ оғзаки ва ёзма мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилди.

Соҳиба УСУПЖОН қизи

Ҳарбий хизмат — муқаддас бурч

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланди.

ЭЛ КОРИГА ЯРАЁТГАНЛАР

Оддий аскар Отабек Муҳаммадиев 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги чегараларда бир гуруҳ жангарилар билан тўқнашувда мардларча қурбон бўлди. Китоб тумасининг Очамайли қишлоғида вояга етган жасур йигитнинг хотираси абадийлаштирилган. Отабек таълим олган мактаб унинг номи билан аталади. Қишлоқдошлари жасур жангчининг номини миннатдорлик билан хотирлаб тилга олишади. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти раҳбарлари яқинда Отабек Муҳаммадиевнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиб кўнгил сўрадилар.

Ҳа, эл-улус тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилганларнинг номи ҳеч қачон унитилмайди. Яккабоғнинг Эдилбек қишлоғида камол топган Камолиддин Муродов қирчиллама йигирма ёшида Андижонда юртимиз осойишталигига тахдид солган ёвузларни даф этишдаги олишувларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг падари бузруквори Аҳмад Муродов, онаизори Клара Темирова фарзандларини фахр билан эслайди. Чунки у оғир дамларда кўксини қалқон қилиб, Ватан учун жонини фидо этди.

Қишлоқ оқсоқоллари сокин ва фарахбахш. Олисдан Ҳисор тоғларининг мўйсафид чўққилари кўзга ташланади. Ҳовлида Камолиддин эккан дарахтлар ҳосилга кирди. Укаси Фаррух жангчи акасини кўзида ёш билан хотирлар экан, жигаргўшаси каби ҳарбий бўлишга қатъий аҳд қилганлигини айтади.

Республика Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари тасарруфидаги ҳарбий қисм ҳаёти билан танишдик. Қаршининг Шайхали қўрғонида жойлашган ушбу муассаса мамлакат бўйича "Энг намунали қисм" деб топилган.

-Президентимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, сарҳадларимиз даҳлсизлиги, тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ҳамда муносиб зарба беришга қодир ихчам, тезкор, ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армия вужудга келди, - дейди ҳарбий қисм бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник А. Тожибоев. - Ҳарбий хизматчилар ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаяпти. Уларнинг ойлик маошлари ўртача 35 фоизга оширилди. Ҳарбийларни резервга бўшатишда тўланадиган харажатлар ҳажми икки марта кўпайтирилди. Мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул маблағлари ва бошқа имтиёзлар белгиланди.

Ҳарбий қисм шуҳратини кўтаришда бутун жамоа муносиб ҳисса қўшмоқда. Аскар ва зобитларнинг сиёсий билими ва жанговар тайёргарлиги юқори савияда. Лейтенант Роман Кириленко "Энг илғор гуруҳ командири" номинацияси бўйича ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллади. Сержант Зайниддин Шоюсупов республика Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари ўртасида ўтказилган "Энг яхши сержант" кўрик-танловида совриндор бўлди. Кичик сержант Баҳодир Хушвақтов умумармия спорт ўйинларида самбо бўйича иккинчи ўринни олиб, кумуш медални қўлга киритди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жанубий-Ғарбий округ аскар ва зобитлари орасида нуфузли кўрик-танловларда ижтимоий-сиёсий, тактик тайёргарлик, отиш, югуриш, куролдан фойдаланиш, жанговарлик хатти -ҳаракатлари билан ҳаммага намуна бўлаётган ёшлар анчагина.

Муборак горнизонига қарашли батальон командири майор Эломон Фармонов ва кичик сержант Отабек Рашидовлар "Энг яхши мутахассис" кўрик-танловида биринчи ўринга муносиб, деб топилдилар.

Ёшларни Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ақлан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси, Жанубий-Ғарбий округи, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари вилоят бўлимлари томонидан уюштирилган "Қашқадарё ўғлонлари" кўрик-танловида аскарлар ва ҳарбий хизматчилар 5 та шарт бўйича беллашдилар. Мусобақада қатнашган 7 нафар ўғлон ўзининг ҳарбий, касбий маҳорати қай даражада пухта, билимли, чаққон, чапдаст эпчил, довюрак ва кучли эканлигини намойиш қилиш билан бирга Она Ватаннинг муқаддаслиги, тинчлик ва мустақиллик бебаҳо неъматлигини, экстремизм ва терроризм манфур иллатлигини бадиий талқин этдилар.

Кўрик-танловда Ғузор туманидаги ҳарбий қисм взвод командири ўринбосари Шавкат Жумаев ўз билим ва маҳоратини намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Н.НИШОНОВ

Муҳим воқеа арафасида

ТАРИХ, МУАММО ВА ИНТИЛИШЛАР УЙҒУНЛИГИ

(Боши 1-бетда)

- Сизнингча, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кун тартибида турган асосий масалалар нималардан иборат?

- Икки қўшни мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш иккала давлатнинг ҳам стратегик мақсадлари ва миллий манфаатларига жавоб бериши аниқ. Сиёсий ҳамкорликка келганда, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама ҳамкорликнинг барча долзарб масалалари юзасидан доимий сиёсий мулоқот йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Бунда мамлакатларимиз раҳбарлари ва улар ўртасидаги яқин шахсий ва ишончли муносабатларнинг ҳиссаси беқиёс. Икки давлат ўртасида ҳукуматлар ва вазирликлараро миқёсда бевосита ва мунтазам алоқалар мавжуд. Мисол тариқасида тегишли тузилмалар ўртасида халқаро террорчилик ва диний экстремизм кўринишларининг олдини олиш борасида йўлга қўйилган яқин ҳамкорликни келтириб ўтиш мумкин.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масаласини икки томонлама масалаҳатлашувларнинг яна бир асосий мавзуси, деб айтиш мумкин. Шу мақсадда ўтган йили Қозоғистон ва Ўзбекистон президентлари икки мамлакат ҳукуматларига ўзаро иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва савдо айланмаси ҳажмини кескин кўпайтириш борасидаги таклифларни ишлаб чиқишни топширди. Айни пайтда мамлакатларимизнинг фойдаланилмаётган иқтисодий салоҳиятини ишга солиш йўллари ҳукуматлараро миқёсда фаол муҳокама қилинмоқда. Ташриф чоғида ўзаро савдога ғов бўлиб турган мавжуд чеклаш ва тўсиқларни бартараф этиши мумкин бўлган ҳужжатнинг имзоланиши кутилмоқда.

Бу борада таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий ҳамжамияти аъзолигига кирганидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга кенг истиқболлар очилиши кутилмоқда. Хусусан, бозор иқтисодиётидаги ўзгаришларни мувофиқлаштириш, келишилган иқтисодий сиёсатни олиб бориш, ҳамжамият ва икки томонлама муносабатлар доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриш учун катта имкониятлар бўлиши муқаррар. Евросиё иқтисодий ҳамжамияти кенгайиши айни пайтда сув-энергетика захиралари ва давлатларимизнинг транзит салоҳиятларидан унумли ва фаол фойдаланиш масаласини ҳал этишга ҳам кўмак беради.

- Ушбу масалалар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги бўлажак музокаралар кун жадвали ва ташриф дастуридан қандай ўрин олади?

- Давлат ташрифи давомида икки Президентнинг тор доирадаги учрашуви ҳамда расмий ҳайъатларнинг кенг таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади. Музокаралар кун тартибидан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни, икки мамлакатнинг маданий – гуманитар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари жой олган. Шу билан бирга, менимча, давлатлар раҳбарлари халқаро вазият ҳамда минтақамиздаги аҳвол тўғрисида фикр алмашадилар. Аминманки, давлат ташрифи давомида эришилажак келишувлар икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий интеграцияни ривожлантиришга сезиларли туртки беради.

- Сўнгги йиллар воқеалари давлатларимиз ва умуман минтақамиз ҳудудида хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммосининг долзарблигини яна бир карра тасдиқлади. Қозоғистон томонининг ушбу муҳим соҳада, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш йўллари борасидаги тасаввури қандай?

- Дунё геосиёсатидаги шиддатли ўзгаришлар Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги масъулияти ўсишига сабаб бўлмоқда ва биздан минтақадаги жараёнларга янгича назар билан қарашни талаб этмоқда. Шак-шубҳасиз, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларида янада кенгроқ ва ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатиш Марказий Осиё давлатларининг муштарак хавфсизлигига раҳна солаётган таҳликаларни бартараф этишга хизмат қилади ҳамда минтақамизнинг иқтисодий нуфузини оширади. Агар ҳақиқий минтақавий интеграциялашув механизми шакллантирилмас экан, мамлакатларимиз учун янги аср хуруж ва таҳликаларига қарши туриш, жаҳон иқтисодиётига кириш, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фаол ва унумли фойдаланиш қийин бўлади.

Қозоғистон томони Қозоғистон ва Ўзбекистон иштирок этаётган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари кенгаши, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ва МДҲ Аксилтеррор маркази сингари минтақавий ташкилотларга катта умид боғлайди ва ушбу ташкилотлардаги барча иштирокчи мамлакатлар шу ҳудуд шарафи учун ўзларининг миллий манфаатларини рўёбга оширишда минтақавий тизимлар имкониятларидан фойдалана олади, деб ҳисоблайди.

Аминмизки, минтақа келажаги мамлакатларимизнинг интеграциялашув ва фаол ҳамкорлик сари йўналтирилган саъй-ҳаракатлари ва собит қадамларига боғлиқ.

«Жаҳон»АА

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини ҳаётга татбиқ этиш борасида Янгийўл туманида бир қатор ютуқлар қўлга киритиляпти. Хусусан, туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 58 та мактаб ва 13 та мактабгача таълим муассасаларида илғор таълим технологиялари ўқув жараёнига муваффақият билан жорий этилаётир.

Чунончи, 1- умумий ўрта таълим мактабида олиб борилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ибратли. Боиси, мактаб жамоаси ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, бозор шароитида изланиш, бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топиш, шу орқали таълимни ривожлантириш борасида мақтовга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар.

Суратларда: 1-умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари.

А.ХУДОЁРОВ олган суратлар

Тадбир

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида "Ўзбекистон Республикаси Сенатининг фаолияти тўғрисида"ги давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатни Олий Мажлис юқори палатасининг қўмита раиси, юридик фанлари доктори Мавжуда Ражабова олиб борди. Маърузачи Сенатнинг профессионал фаолияти, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услуби, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга ваколати бор орган эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ушбу тадбирда бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, уларнинг амалиётда қай даражада намоён этилаётгани ҳақидаги масалалар ўртага ташланди.

Йиғилишда шаҳар тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг раислари ва шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг ходимлари иштирок этдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

Мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтди. Унинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ўтказилиши ҳам алоҳида маънавий ва тарбиявий аҳамият касб этди. "Ҳашар - элга яраша" шиори остида бўлиб ўтган умумхалқ тадбирида 300 нафар дан ортиқ Тошкент телеграф-телефон станцияси филиали ходимлари кўтаринки руҳда иштирок этдилар. Тадбир давомида ҳашар йўли билан теварак-атроф тозаланиб, корхона ҳудуди ободонлаштирилди. Гул кўчатлари ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, филиалимиз томонидан куз фасли бошланганидан буён экологик тадбирлар ўтказилиб, шаҳримизнинг озодалигига муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда.

Баҳор ва янгиланиш айёми бўлмиш — Наврўзи олам байрами арафасида корхонамиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан мана икки йилдирки, сумалак сайли уюштирилмоқда. 17-18 март кунлари филиалимизда сумалак сайли бўлиб ўтади. Шу куни ҳашарга келганларга ва тадбирда қатнашган меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, сумалак ва ош тортилади.

Демак, эзгу ниятлар билан қилинган ҳашар қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз ривожи, ўзлигимизни англашда, дастурхонларимизни тўкин-сочинлиги, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибатида ва қолаверса, осмонимизнинг мусаффо ва тинч бўлишида муҳим омилдир.

М.АРИПОВА

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НЕГА?

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

ТАЛАБАЛАР ВА ПОЛИЦИЯ ТЎҚНАШУВИ

Сорбонна яқинида, Лотин даҳасидаги университет бинолари комплекси ёнида талабалар ва полиция ўртасида тўқнашув содир этилди. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, бир неча ўн ёш College de France-1530 йилда ташкил этилган ва Сорбонна қаршисида жойлашган бино ичкарисига бостириб кирганлар.

Намойишчилар тўдасини тарқатиб юбориш учун полиция кўздан ёш оқизувчи газ қўллади. Шундан сўнг ёшлар College de France ҳовлисини тарк этиб, университет биноси комплекси яқинида тўпланган бошқа талабаларга қўшилишди.

Талабаларнинг норозилик акцияси нафақат Парижда, шунингдек, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Бу норозилик биринчи ёллаш деб аталмиш қонунга нисбатан йўналтирилгандир.

Меҳнат шартномасининг янги усули талабалар ва касаба уюшмалари томонидан жиддий қаршилик билан кутиб олинди.

ЎТ БАЛОСИДАН АСРА...

Испаниянинг мухтор вилояти Валенсияда ҳамон ёнғин давом этмоқда. Натижада ҳозирнинг ўзидаёқ 1.9 минг гектар майдон ёниб кулга айланди.

Ёнғин Европа иттифоқи томонидан экология жиҳатидан анчайин нодир ҳисобланган қайин дарахтлари ўсадиган ергача етиб борди. Айрим ҳудудларда ёнғин хавфи чекинди ва аввалроқ ўз гўшасини тарк этган аҳоли аста-секин уйига қайтмоқда. Лекин шунга қарамай, шамол таъсирида янги-янги майдонлар олов қуршовида қолишда давом этмоқда.

Ёнғин ўтган ҳафтанинг жума куни Сафор туманида бошланган эди. Тахминлардан бирида айтилишича, бунга оддий кўнгил очар ўйин-петарданинг портлаши оқибатида шундай ҳол юз берган. Бошқа манбаларда хабар қилинишича, бунга қурилиш контейнерига енгилтаклик билан муомалада бўлингани сабабдир. Ҳатто, бу атайлаб уюштирилган, деган фикрлар ҳам йўқ эмас.

АҚШДА КУЧЛИ ТЎФОН

Эн-би-си телекомпаниясининг хабарига қараганда, тўртта штат — Миссури, Иллинойс, Арканзас ва Канзасда ҳалокатли тўфон-торнадо оқибатида ўнлаб одам ҳаётдан бевақт кўз юмган. Ушбу штатлар ҳукуматлари юзлаб шикастланган ва ўнлаб бутунлай вайрон бўлган турар-жойлар қайд этилганлигини эътироф этдилар. Ўнлаб кишилар госпиталларга жойлаштирилди.

Канзас штатида маҳаллий университет комплекси биноларининг 60 фоизи шикастланган. Айни вақтда университетда машғулотлар тўхтатилган.

ЭЪТИРОФ

Салян туманида яшовчи уч нафар кишининг қони текшириб кўрилганида, улар чиндан-да «паррада гриппи» вирусидан ҳалок бўлган. Озарбайжон соғлиқни сақлаш вазирлиги шу ҳақда хабар берди. Таҳлиллар яқиндагина Бакуга келтирилган ускуналарда ўтказилганлиги айтилади.

Шу билан бирга, Салян туманидаги текширувдан ўтказилган олти нафар одамнинг қонида хатарли вирус қайд этилмади. Вазир ўринбосари Аббос Велибековнинг фикрича, ҳалок бўлган кишилар хаста паррандаларнинг эгалари бўлиши мумкин.

РЕЙТИНГ ҲАМ КЎП НАРСАНИ АНГЛАТАДИ

Гэллан хизмати ўтказган жамоатчилик сўрови шу пайтгача кузатилмаган натижани берди. Оқ уйга келганидан буён АҚШ президенти Джордж Буш нинг рейтинги бу даража пастлаб кетмаган эди. У 36 фоизни ташкил қилди, холос.

Кези келганда 60 фоиз америкалик Буш Оқ уй раҳбари лавозимида амалга ошираётган ишларини маъқулламаслигини билдирганлиги ҳам кўп нарсани англатади.

Интернет хабарлари орқали тайёрланди

Ғузор туманидаги «Ғузор» наслчилик хўжалигида чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, меҳнаткашлар турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. Ўтган йил 100 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олган хўжаликда айни пайтда қўзилатиш бошланди.

Суратда: хўжалик раҳбари Маҳмуд Исматов ва бош чўпон Ўктам Норбўтаевлар.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

АРЗОН ВА БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР

Сирдарё туманидаги «Сирдарё-Принт» масъулияти чекланган жамияти юзга яқин матбаа нашрлари, салкам минг турдаги иш қоғозлари ишлаб чиқаради. Ўтган йили корхонанинг соф даромади 2 миллион сўмдан ошди.

«Сирдарё-Принт»да тайёрланаётган ёзув ва расм дафтарлари, ўқувчи табели, маҳкама китобларининг бозори чаққон. Бу ерда, шунингдек, бадиий китоблар ҳам чоп этилмоқда.

Корхона ишчи-хизматчилари матбаа маҳсулотларининг кўркамлиги, сифати, дизайнига алоҳида эътибор қаратишади. Айниқса, ўқувчилар учун ишлаб чиқарилаётган турли ўқув қуролларининг таълим стандартларига, болаларнинг дунёқарашига мос келишига жиддий аҳамият берилади.

Бежирим ва арзон маҳсулотларнинг харидорлари кун сайин ортаётганини жорий йил бошида масъулияти чекланган жамиятнинг юзга яқин корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномасини имзолаганида ҳам кўриш мумкин.

Каршида «Ал-Азиз Мурод» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг «Дехан Трейдинг» компанияси ҳамкорлигида «Al-Aziz Garant» Ўзбекистон- Жанубий Корея кўшма корхонаси ташкил этилди.

РАҚОБАТ - РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

У хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган вилоятдаги эллик тўртинчи қўшма корхона ҳисобланади. Бу ерда маҳаллий хомашёдан полиэтилен идишлар ясаш учун зарур бўлган капсулалар (праформ) ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу эса полиэтилендан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи вилоят корхоналари ўртасида рақобат муҳитини янада кучайтиришга хизмат қилади.

(ЎзА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 20, 27 апрел ва 4, 11 май кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар Уста Ширин кўчаси 116 уйда жойлашган **Тошкент «Компрессор» заводи очиқ акциядорлик жамиятининг бино, иншоот ва асбоб-ускуналари қўйилади,** бошланғич баҳоси — 636 350 400 сўм.

Шунингдек, КАМАЗ-5320 русумли, давлат рақами 10 AQ 607, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 4 271 468 сўм.

КЗАП-9370 русумли ярим тиркама, давлат рақами 53-44 ТН, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 1 211 091 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га** мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.

Маълумотлар учун телефонлар: 399-80-23, 136-15-28. Факс: 136-06-17

Спорт оламида

Футбол

ЧЕМПИОНАТГА ТАЙЁРГАРЛИК — МУҲИМ МАСАЛА

Яна уч ойдан кейин, тўғриғоғи, 9 июнда Германияда жаҳон чемпионатига старт берилади. Хўш, мамлакат улкан спорт байрамига шайми?

Бугун немис футболининг афсонаси, айни пайтда 2006 йилги Жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатаётган Франц Беккенбауэр Германия канцлери Ангела Меркель билан учрашиш шарафига муяссар бўлади. Улар ушбу нуфузли турнирни ўтказиш билан боғлиқ айрим масалаларни муҳокама қиладилар.

— Бу учрашув анча аввал режалаштириб қўйилган эди ва унинг Германия термаси кўрсатган натижага ҳеч бир алоқаси йўқ, - деди ташкилий қўмитанинг расмий вакили.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Германия терма жамоаси италияликлар билан ўртоқлик учрашувида йирик ҳисобда (1:4) мағлубиятга учрагач, бош мураббий Юрген Клинсманн ўз уйи — уммон ортига учиб кетганди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Меркель билан учрашувда мамлакат футбол ассоциацияси президенти Тео Цванцигер ва Клинсманн ҳам иштирок этадилар.

«РЕЙНЖЕРС» ЯНГИ МУРАББИЙНИ КУТМОҚДА

Лекин бу ҳол Шотландия чемпионати ниҳоясига етгандан сўнг содир бўлади. «Лион» жамоасининг собиқ устози француз Ле Гуэн анчадан бери ушбу командага ўтиши тўғрисида миш-мишлар юрар эди. Ниҳоят, бу амалга ошадиган бўлди. Унга 42 ёшли Ив Колле ёрдамлашади.

Ҳозирча «Рейнжерс»ни Алекс Маклиш майдонга олиб тушмоқда.

Бокс

ЖАНГ УЧУН 1.2 МИЛЛИОН ДОЛЛАР



IBF йўналиши бўйича ўрта вазнда чемпион бўлиб турган Артур Абрахамнинг промоутери Вилфред Зауэрланд ушбу вазн тоифасида WBA йўналиши бўйича чемпионлик камарини сақлаб турган Феликс Штурмга шу йил 19 августда жанг ўтказишни таклиф этди. Штурм ушбу олишув учун 1.2 миллион доллар ҳақ олади.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Арман боксчиси 13 майда Германияда ўз унвонини сақлаб қолиш мақсадида рингга чиқиши керак. Ғолиб чиққан тақдирдагина Штурм билан учрашиши мумкин.

ЖАРОҲАТ ПАНД БЕРДИ

Буюк Британиялик ўта оғир вазн тоифасида ўз жанглари билан мухлисларга яхши таниш Дэнни Уильямс жароҳат олганлиги учун 25 мартга мўлжалланган кўнгилочар томошада иштирок эта олмайди.

Шунингдек, WBO йўналиши бўйича енгил вазнда жаҳон чемпиони Скотт Харрисон ҳам жароҳати туфайли учрашувни 20 майга қолдиришга мажбур бўлди. Бу воқеалар промоутер Фрэнк Уоррен режаларига тўғри келмаса-да, тақдирга тан беришдан ўзга иложи қолмади.

Теннис

МАРАТ САФИН ФОРМАСИНИ ТИКЛАМОҚДА

Икки ҳафта муқаддам Дубайда бўлгани каби Россиянинг собиқ биринчи ракетка устаси Сафин уммон ортида Индиан-Уэллсда давом этаётган турнирнинг учинчи даврасида терма жамоанинг амалдаги пешқадами Давиденко устидан уч сетда ғалаба қозонди.

Таъкидлаш жоизки, улар ўтган асрнинг 90-йилларидан буён теннис билан машғул бўлсаларда, фақат 2006 йилдагина ўзаро рўбарў келдилар.

Баскетбол

36 ОЧКО ҲАМ КИФОЯ ҚИЛМАДИ

Бунақаси камдан-кам юз беради. NBA мунтазам чемпионатида бешта матч ўтказилди. Гарчанд Яо Мин «Хьюстон»га 36 очко келтирган бўлсада, унинг жамоаси «Нью-Джерси»дан мағлубиятга учради.

«Милуоки» эса «Атланта» устидан бор-йўғи бир очко фарққа эришиб, муҳим ғалабани нишонлади. Майдон эгалари ўйин охирида чарчаб қолдилар, агар матч яна икки дақиқагина чўзилса, уларнинг аҳволи танг бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ

Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилиши билан республикамизда шифокор кадрлар тайёрлаш даражаси сифат жиҳатидан яна юқори поғонага кўтарилди. Пойтахтимиздаги мавжуд иккита Тошкент давлат тиббиёт институтлари негизида юзага келган бу академияда яна қатор муҳим янгиликлар жорий этилди.

Академия таркибида тиббий педагогика факультетининг қайтадан иш бошлаши ҳам айни муддао бўлди. Соғлиқни сақлаш тизимига умумий амалиёт шифокорлари ҳамда республикамиздаги тиббиёт коллежлари учун малакали педагоглар тайёрлаб бераётган мазкур факультетда таянч кафедралар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу йирик факультетни битирган ёш кадрлар иккита мутахассисликка эга бўлиб, умумий амалиёт шифокори ҳамда педагог ихтисослиги бўйича ишлайдилар.

Бунинг учун бу ерда талабаларнинг пухта билим ва амалий кўникма ҳосил қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Саломатлик сабоқлари

ИЛИК УЗИЛДИ ФАСЛ

Баҳор фасллар ичида энг гўзали бўлиб, бу даврда барча мавжудотлар, бутун борлиқ уйғониш, янгиланиш жараёнига киради. Негаки, уларнинг яшаш учун кураши-униши, ўсиши, улғайиши ва ривожланиши асосан баҳордан бошланади. Қолаверса, баҳор инсоннинг йил бўйи соғ бўлиши учун ҳам илк босқич ҳисобланади. Шу боис Абу Али ибн Сино «Баҳор — инсон умрининг энг яхши ва энг шифобахш фаслидир», деб бежиз айтмаган. Кўклам таровати кўнгилларни қанча шодлантирмасин, баҳор об-ҳавоси инсон саломатлигига, айниқса — юрак-қон томир, асаб, ошқозон-ичак, нафас, оёқ-қўл, умуртқа тизимларига, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Бундан ташқари, баҳорда ҳар хил сурункали касалликлар қўзғалади. Чунки, инсон организми қишдан баҳорга ўтиш даврида ҳар хил витаминларга, минерал моддаларга, микро ва макроэлементларга муҳтож бўлади. Об-ҳавонинг кескин ўзгариши (куннинг бир исиб, бир совиб кетиши) асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиб, турли хасталикларни келтириб чиқаради. Натижада, уйқусизлик кучаяди, асабийлашиш, қон босими кўтарилиши, бош, юрак оғриғи пайдо бўлиб, нафас олиш қийинлашади. Шу боис ҳавонинг ўзгариши биланоқ қон босимини туширувчи, асабни тинчлантирувчи дорилардан шифокор назоратида ичиб юриш тавсия этилади. Ана шундай фаслий чарчаш, дармонсизланиш, айрим ўткир ва сурункали касалликларнинг пайдо бўлишини халқимиз «илик узилди вақти» деб таърифлайди. Нуронийлар эса «Инсоннинг қувватини дарахтлар сўриб олади», дейишади. Шу боис ҳар бир киши йил давомида соғ бўлиши учун баҳордан бошлаб соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириши керак.

Бунинг учун:

* Эрта баҳорда униб чиққан жағ-жағ, от қулоқ, ялпиз, баргизўб, гулқоқи, йўғичқа, газанда ўт, исмалоқ ва бошқа доривор кўкатлардан истеъмол қилиши керак;

* Шифобахш гиёҳларга кўк пиёз, барра саримсоқ, кашнич, петрушка, шивит, райҳон, жамбил қўшиб турли миллий таомлар:

чучвара, манти, нон, сомса, суюқ овқатлар тайёрлаб истеъмол қилинса кони фойда.

* Эрта баҳорда ўзи униб чиқадиган ёввойи гиёҳларни маълум бир муддатда (15 кундан 30 кунгача) истеъмол қилиш, таомларнинг (қуввати, сифати, мазаси, фойдали моддаларга бойлиги) шифобахшлигини кучайтиради, инсоннинг қонини, ички аъзоларини тозалаб, зарур озуқалар билан таъминлайди.

* Турли хил дон маҳсулотларини (буғдой, арпа ва б.) ўстириб, улардан ҳар хил салатлар тайёрлаб истеъмол қилиш тавсия этилади.

* Янаги баҳоргача бир қанча касалликлардан фориғ бўлиш, қонни тозалаш ва юзни тиниқлаштириш учун ток баргларига қийма тугиб, таом пиширилади. Шафтоли гулидан 9 ёки 11 дона чучвара тугиб тановвул қилиш кони фойда.

* Тез-тез ўзгарувчан баҳор ҳавосига алданиб енгил кийинган киши шамоллаб қолиши мумкин. Шунинг учун бундай шароитда кийиладиган кийим енгил, иссиқ ва мавсумга боп бўлиши керак. Айниқса, бошни, баданни, оёқни совқотишдан, шамолдан сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

* Организмнинг об-ҳаво ўзгаришига мослашиши учун киши ёшлигидан ўзини яхши чиниқтириши зарур (ҳаво, сув, қуёш ванналари, бадан тарбия, спорт ва бошқалар).

* Кўклам кўкатларини еган сигир, қўй, эчки, бия, туянинг сути сервитамин бўлиб, кишини баҳор шароитига тез мослашишига ёрдам беради.

* Баҳорда мева, сабзавот, сут ва сут маҳсулотларига бепарво бўлганларнинг дармони шундай қурийдики, улар ҳатто кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олишади.

Донишмандлар «Баҳорда дори-дармон истеъмол қилганингдан кўра соф ҳавода бўлганинг маъқул» деганлар. Бу фаслда организмда оксидланиш жараёни табиий ривожланади. Ҳужайралар эркин, дуркун ўсиб, одам кўклам нафасидан, табиат уйғонишидан баҳра олади. Мовий осмон ва ям-яшил майсалар асабни тинчлантиради, кўнгилга осойишталик бағишлайди.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Термиз шаҳар ҳайвонот боғи 1934 йилдан буён фаолит кўрсатади. Унинг умумий ер майдони йигирма икки гектарни ташкил этади. Тўққиз гектарида ҳайвонлар ва экспонатлар, ўн уч гектарида эса мевали ҳамда манзарали дарахтлар экилган.

Кейинги пайтда бу ерда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳайвон турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шунингдек, бу ерда таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди.

Ҳозир ҳайвонот боғи кўриниши тубдан ўзгарган. Ҳайвонлар сақланадиган хоналар таъмирланган ҳамда янгилари қурилган. Бундай ўзгаришлар, албатта, қулай шароит бўлиши баробарида шаҳар кўрки учун ҳам,келиб-кетувчилар учун ҳам қувончлидир.

Айни чоғда боғ жамоаси ҳайвон турларини кўпайтириш, парваришлаш баробарида қўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар ҳар хил турдаги серсоя дарахт, гул кўчатларини ўтқазмоқда.

Суратларда: Термиз шаҳар ҳайвонот боғида.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар



СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Декан. Қадим римликлар аскарий қисмлардаги ўнбошлик (ўн аскар бошлиғи) лавозимини, ўрта асрлар даврида эса католик-черковларида аббатларнинг ёрдамчиси ҳисобланган монархларни «дканус» деб юритишган.

Ҳозирда олий ўқув юртларида факультет бошлиғини билдирувчи «декан» сўзи шундан келиб чиққан.

Паспорт. Бу сўзнинг асосида «порт», «шаҳар» ибораси ётади. Қадим

Италияда «пассо-порто» сўзи «пропуск» (рухсат қоғози), яъни кеманинг у ёки бу гаванга юришига ҳуқуқ берадиган ҳужжат маъносини бидирган

Кейинчалик бу сўз яшаш жойига алоқадор маъно касб этиб, кишининг шахсий гувоҳномаси ифодасига айланган.

Билет. Бу сўз дастлаб қадимги Рим папасининг фармони маъносида ишлатилган. Кейинчалик инглиз парламенти муҳокамасига қўйиладиган қонун лойиҳаси «билль» деб юритилган. Эски итальян тилидаги «булетта» сўзи справка, хат маъноларини билдирган. Биздаги «билет» ибораси поляк тилидан рус тилига ўтган.

А.АЛИЕВ

Аждодларимиз

Мукаддас ўзбек заминидан етишиб чиккан буюклар силсиласидан Шарқ оламида машҳур тариқат пири ва мутасаввиф шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Шайх Ҳусайннинг ота-боболари асли андижонлик бўлиб, шароит такозоси билан Хоразмга келиб турғун бўлиб колганлар. У шу ерда туғилиб, тахсил олди. 18 ёшидан тасаввуфни ўргана бошлади. 1490 йил Туркистон ахлининг шайх ул-машойихи Хожа Ахрор Валини зиёрат қилиш учун йўлга чиқиб, Бухорога келганида унинг вафотини эшитиб, юртига қайтиб кетади.



МАВЛОНО ҲУСАЙН ХОРАЗМИЙ

Ҳусайн Хоразмий 1493-1494 йилларда Хуросонга бориб, Маҳдуми аъзам сифатида донг таратган машҳур тариқат пири Хожа Муҳаммад Хомушонийга мурид тушади. 11 йил унинг хизматида бўлиб, тасаввуф асосларини чуқур ўрганади, пирининг оқ фотиҳасини олиб, 1504-1505 йилларда Хоразмга қайтади.

Хоразмда Ҳусайн асосан тасаввуфнинг ҳусайния тариқатини тарғиб қилиб, атрофига кўплаб мурид ва ихлосмандлар тўплайди, катта шуҳрат қозонади. Нафақат Хоразм, балки бутун Мовароуннаҳр, ҳатто Дашти Қипчоқдан тортиб, Хуросон ва Ҳиндистон ҳамда бошқа ўлкаларга ҳам унинг донғи таралган эди.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида маълумот беришича, Мавлоно Ҳусайн машҳур авлиё Абдулвафо Хоразмийнинг "зоҳир илмида шогирди ва ботин илмида муриди"дир. Ўз замонида ниҳоятда шуҳрат тутган. "Мақсади ақсо" ("Энг сўнгги мақсад") асарини ёзган. Бошқа асарлари ҳам бор. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг "Маснавийи маънавий"си ва ислом оламида машҳур "Қасидаи бурда"га хоразмча туркий тил била шарҳ битибдур". Аҳлоқи ва фазилатлари тасаввуфдаги юксак мақомга муносиб. Шоҳрух замонида:

Эй дар ҳамин олам пинҳон туиву пайдо ту,
Ҳар дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту, –

("Эй бу дунёда пинҳон ҳам ўзинг, пайдо ҳам, ошиқ дилига дард ҳам ўзинг, даво ҳам") матлаъли ғазали учун куфрда айлаб, Ҳиротга олиб келадилар. Аммо донишманд ва ориф киши бўлгани учун айбини бўйнига қўя олмайдилар ва Хоразмга қайтиб кетишига рухсат берадилар.

Самарқандлик мухлисларнинг талабистаги билан у 1518 йилда оиласи билан Самарқандга кўчиб келиб, Регистон майдонининг шарқидаги маҳалладан ҳовли-жой олган. Бу маҳалла кейинчалик унинг номи билан аталиб, ҳозир ҳам Маҳдуми Хоразмий гузари деб юритилади.

Ҳусайн Хоразмий Маккаи Мадинага бориб, ҳаж маросимини адо қилганидан сўнг Шомда турғун бўлиб қолади. Шу ерда хонақоҳ қуриб, муридлар тарбиялайди. 1551 йили вафот этганда, васиятига кўра унинг жасади ўзи қурдирган хонақоҳда дафн этилган.

Ҳусайн Хоразмий пайғамбар авлодидан бўлмиш Мулло Хожа деган кишининг синглисига уйланиб, Шарафиддин ва Шаҳобиддин деган икки ўғил кўрган. Ўғиллари Самарқандда – отамерос ҳовлида яшаганлар. Оталари йўлини давом эттириб, машҳур тариқат пирлари бўлиб етишганлар. Чунончи, отаси билан доим бирга бўлган Шарафиддин у ҳақда "Жодаи ошиқин" ("Ошиқлар йўли") номли манақиб ҳам ёзган. Бу манақиб бизгача етиб келган бўлиб, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади. Шогирдларидан Камолиддин Маҳмуд Ғиждувоний ҳам устози ҳақида "Мифтоҳ ул-толибин" ("Толиблар очғичи") номли китоб ёзган. Шайбонийлардан Самарқанд ҳукмдори Султон Саидхон ҳам Ҳусайн Хоразмийни ўзига пир билган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" тазкирасида маълумот берилишича, Ҳусайн беҳад риёзатлар чекиб, тариқатда юксак мақомларга эришган. У "баланд мақомат ва дилписанд кароматлар соҳиби" бўлган. Шунинг учун ҳам унинг муридлари, мухлислари, тарафдору хайрихоҳлари ниҳоятда кўп эди. У чуқур сўфиёна маъно сингдирилган ғазал шеърлар ҳам ёзиб турган. Қуйидаги матлаъ шулар жумласидандир:

Маравам сўи адам – ишқи ту ҳамроҳи ман аст,
Зон жон медиҳаму ҳамнафасам оҳи ман аст.

Мазмуни: "Боқий дунё сари йўл олар экан, Сенинг ишқинг менинг ҳамроҳимдир. (Дийдорингга) зор бўлиб, жон берар экан, оҳим ҳамнафасимдир".

Илоҳий ишқ учқуни қайси кўнгилга тушса, бир умр унга ҳамроҳлик қилиб, охир-оқибат ошиқни Оллоҳ висолига муяссар қилади. Диний-тасаввуфий адабиётларда қиёматда Оллоҳ таоло ўзининг хос бандаларига жамолини кўрсатишга ваъда бергани айтилади. Тасаввуф аҳли – ана шу дийдор ошиқлари. Уларни бу саодатга бир умрлик риёзат ва жон чиқиш арафасида чекилган сўнгги оҳ етказади. Тасаввуф адабиётида ошиқнинг бир оҳ чекиб, жон бериши тасвири кўп учраши бежиз эмас – бу оҳ ошиқни маъшуққа етказади. Тасаввуф аҳли, хусусан, ошиқнинг тонгда чеккан оҳи илоҳий маҳбубага етиб боради, деб ишонадилар.

Шайх-шоирнинг ҳаж сафари пайтида тўқиган мана бу байти ҳам машҳур:

Жамоли Каъба чунон медавондаам ба нишот,
Ки хорҳол Мўғилон ҳарир меояд.

Мазмуни: "Каъбани кўриш иштиёқидаги завқ мени шунчалик югуртирардики, Мўғилон даштидаги тиканлар ҳам оёғим остида ҳарир каби юмшоқ туюларди. Мўғилон – Макка йўлидаги саҳро.

Ҳусайн Хоразмий ҳам форсий, ҳам туркий тилда шеърлар ёзган бўлса-да, улар бизгача етиб келмаган – уларни асосан турли тазкира, баёз ва маноқибларда учратамиз. Чунончи, машҳур адабиётшунос олим Ботир Валихўжаев "Маҳмуди Хоразмий" мақоласида шайх-шоирнинг қуйидаги туркий рубоийсини мисол тариқасида келтиради:

Демаки, бу ишқ йўли басе осондур,
Бу ишқ йўлинда, бас, жигарлар қондур.
Ўлким, бу йўл ичра қадам урди дуруст,
Бу барча халойиқ ичинда султондур.

1994 йили Эронда нашр этилган "Рубоийнома" тўпламида унинг икки рубоийси келтирилган:

Эй дода Худой туро сармояи ақл,
В-эй зоти туро хулья зи пероя ақл.
Пири ту ба дониш арчи тифли, зеро,
Дидаст дилат парвариш аз дояи ақл.

Мазмуни: "Парвардигори олам сенга ақл давлатини берибди. Сенинг зотингни ақл либоси безатди. Ёш бўлсанг-да, маърифат бобида пирсан – дилинг ақл доясидан парвариш топибди".

Маълум бўладики, шайх-шоир шеърлари асосан сўфиёна мазмунда. Бу ҳол унинг қуйидаги рубоийсида янада яққол кўзга ташланади:

Гар бастаи нақши сунъий сонеъ боши,
Дилро зи шуҳуди дўсти қонеъ боши.
Ганже, ки фано надорад он гоҳ, ёби,
К-аз ҳар ду жаҳон ба дўст қонеъ боши.

Мазмуни: "Агарда Оллоҳ таолонинг боғлаган нақши (яъни яратган бандаси) бўлсанг, дил унинг муҳаббати билан қаноатлангани маъқул. (Минг бир машаққат чекиб) топган мол-мулкинг сенга вафо қилмас экан, ҳар икки жаҳонда дўст, яъни бир Оллоҳнинг ўзи билан қаноатланишингга нима етсин!"

Ботир Валихўжаев, Ҳамиджон Ҳомидий каби Шарқ мумтоз сўз санъати нуктадон тадқиқотчиларнинг баъзи мўъжаз мақола ва кузатишларини айтмаганда, Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилмаган, мероси эълон қилинмаган – бу ўзбек адабиётшунослиги олдида турган долзарб вазифалардандир.

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди

КЎҲНА АТЛАС

Ернинг биринчи харитасини Клавдий Птолемей тузган эди. Ўша кунга қадар дунё харитасини ана шу қадимги географдан кейин иккинчи бўлиб араблар тузиб чиққанлар, деган фикр бор эди.

Дунёнинг яна бир кўҳна харитаси топилди. Афсуски, у мукаммал бўлмай, фақат охирги — шарҳловчи қисмдангина иборат экан.

Топилмани синчиклаб ўрганиб чиққан ва кейинчалик уни тўла тиклаган олим С.Еремяннинг гапига қараганда, у харита эмас, атлас экан. Бу атлас бундан 1300 йил муқаддам араблардан анча илгари номаълум бир арман географи томонидан яратилганлиги аниқланди.

Атлас 14 та харитадан иборат бўлиб, уларда Ғарбий ва Шарқий Европа, Кичик Осиё, Шимолий Кавказ, Арманистон, Албания, Эрон, Арабистон ва бошқа мамлакатлар аниқ кўрсатилган.

Унинг бир жойида ҳозирги Волга дарёсининг тасвири ҳам бор.

ТУГАМАС ХАЗИНА

Ер остига яширинган иссиқ денгизлар талайгина. Улар — Сибирда ҳам, Туркманистонда ҳам, Украина ва Кавказда ҳам, Кубань ва Камчаткада ҳам бор.

Қайноқ океанларнинг кўпи бизга маълум. Масалан, Ғарбий Сибир ерости океани уч миллион километргача ёйилган.

Ана шу кўринмас денгизлар харитаси тузилган. Яширинган иссиқ сувларнинг энергияси инсонга хизмат қилиши лозим. Ахир, ҳар бир ер ости денгизи тугамас хазина-ку!

ИЛК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

Жаҳондаги дастлабки олий ўқув муассасаси эрамиздан аввалги 176 йили Афинада ташкил топган эди. Ўшанда унда саккизта фалсафа, иккита ҳуқуқ кафедраси фаолият кўрсатган.

«Университет» деган ибора эса бешинчи асрга келиб юзага келди. Византия императори Феодосий 425 йили Константинополда очилган олий мактабни шундай ном билан атаган эди.

Европа мамлакатларидаги университетлар Оксфордда — 1168, Парижда — 1200, Кембрижда — 1209, Лиссабонда — 1290, Прагада — 1348, Краковда — 1364, Венада — 1365 йили ташкил топган.

Шу тариқа ер юзида бундай йирик ва нуфузли олий ўқув юртлари кўплаб очилиб, малакали мутахассис кадрлар тайёрланди.

Н.РАФИҚОВА

Турфа олам

Газетанинг навбатдаги сони 18 март куни чиқади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456